



АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ ВА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ СУДГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧИДА ИСБОТЛАШ

Юлчиев Баходиржон Собирович

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10693190>

ARTICLE INFO

Received: 15th February 2024

Accepted: 21th February 2024

Online: 22th February 2024

KEYWORDS

Жиноят иши, айбсизлик презумпцияси, исботлаш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, суд-тергов, конституцион ҳуқуқ, айбсиз шахс.

ABSTRACT

Мақолада айбсизлик презумпцияси ва жиноят ишларини тергов қилишнинг судгача бўлган босқичида исботлаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган ҳолда ушбу масалалар бўйича тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мақолада таҳлиллар асосида хориж мамлакатларининг кенг имкониятга эга қонунчилигини мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш зарурати ёритилган.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида инсон қадри улуғланди ва унинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Бунинг натижаси ўлароқ қонунчиликда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг асосий мезон сифатида белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигида айбсизлик презумпциясининг оқибатларидан бири бўлган айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмаслиги тўғрисидаги қоида (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси 2-қисми) [1] эндиликда Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Янги конституциянинг 28-моддасида “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин” лиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди [2]

Давлатимизнинг янгидан қабул қилинган конституциясида айбсизлик презумпциясининг шу тариқа ўз ифодасини топганлиги, унинг конституция даражасига олиб чиқилганлиги, давлатимизда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини хурмат қилиш, уни ишончли ҳимоя қилиш, шахсни ноҳақдан жиноий жавобгарликка тортмаслик каби тамойилларга асосланган ҳолда юқори даражага қўйилганлигидан далолат беради.

Шуларга кўра, мазкур қоидани миллий қонунчилигимда аниқ ва бир хилда талқин этиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўлланилишига имкон яратиш



мақсадида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида, айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ қонунчиликнинг айрим қисмларида турли хил ифодаланиш ҳолатлари, шунингдек айрим қисмларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, юқорида келтирилган асосий қомусимиз ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари таҳлил қилинганида, улар ўртасида айрим тафовутлар мавжудлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Жумладан, конституциямизда *“Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади”*, деб кўрсатилган бўлса, ЖПКнинг 23-моддасида эса *“Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунча қадар айбсиз ҳисобланади”*, деб қайд этилган. Бунда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми жиноят процессида турлича бўлиши мумкин, бироқ уларнинг жиноят содир этишдаги айбдорлиги фақатгина суд жараёнида исботланмасдан, балки олдин тергов ёки суриштирув даврида текширилади.

Бундан ташқари, янги конституциянинг 28-моддаси 3-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки **маҳқумнинг** фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган. Бироқ, ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмида эса процесс иштирокчилари орасида маҳқум назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Маҳқум - қонун билан тақиқланган муайян жиноятни содир этганлиги сабабли суд томонидан айбдор деб топилган шахс.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмига кўра, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эгаллиги, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилиши кўрсатилган [3].

Бизнингча, Айбсизлик презумпциясини қўллашда қонунчиликнинг ушбу қондаси нафақат гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи, балки маҳқумга нисбатан ҳам тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олсак, ушбу мақомдаги шахсни жиноят-процессуал Қонунчилигга ҳам тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалиётчи ходимлар томонидан шахснинг айбини исботлашга етарли даражада эътибор қаратилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, агар айбланувчи айбини бўйнига олса ва жабрланувчининг айбланувчига ҳамда ишнинг терговига нисбатан ҳеч қандай эътирози бўлмаса, иш айблов хулосаси ёки айбло далолатномаси билан судга юбориш ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, асосий қомусимизда ҳам, жиноят процессуал Қонунчилигида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт



эмаслиги белгиланган, аммо шахснинг айбдор ёки айбсизлик масаласини исботлаш айнан кимга юклатилиши ўз аксини топмаган.

Мазкур ҳолат бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалада қадимги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўша даврларданоқ ушбу масалага эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, у ёки бу томонга исботлашни юклаш қоидаси қадимги Римда пайдо бўлган бўлиб, милодий III асрда Рим ҳуқуқшуноси Павлус томонидан “инкор қилувчи эмас, даъво қилган шахс исботлаши шарт”, деган қоида шакллантирилди, яъни баён сифатида илгари сурилган тезисларни ҳимоя қилиш талаби амалда эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 2-қисмига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги қайд этилган. Яъни, қонун чиқарувчи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини ўзининг айбсизлигини исботлашдан озод қилган.

“Исботаш мажбурияти” атамаси латинча “onus probandi” иборасининг русча талқини бўлиб, юридик маънода ўз баёнотларини исботлашни билдиради [4].

Айбланувчига узоқ вақт давомида унинг айбсизлигини исботлашни юклашга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қоида ички қонунчиликда мустаҳкамланмаган эди ва ушбу қоида, яъни айбсизлик презумпцияси тамойилининг оқибати 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қабул қилингандан кейингина замонавий кўринишда мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айбсизлик презумпцияси тамойилини эълон қилган бирорта ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзларининг айбсизлигини исботлашдан озод қиладиган ушбу қоида белгиланмаган. Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган давлатлар, уни ўз ҳуқуқ тизимида қўллаш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Халқаро ва маҳаллий юридик адабиётларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айбсизлигини исботлаш тўғрисидаги қоида, айбсизлик презумпцияси тан олинганига қарамай, узоқ вақтдан буён шубҳа остига қўйиб келинган.

Жумладан, В.И. Каминская шундай таъкидлайди: “Айбланувчининг имконсизлиги ёки унга тақдим этилган айблов материални инкор этувчи ҳар қандай фактларга мурожаат қилишни истамаслиги, ҳақиқатда у учун ноқулай оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, муайян шароитларда айбланувчининг зиммасига айбловни рад этиш мажбуриятини ҳақиқатда юклашни оқилона деб ҳисоблаш мумкин...”.

А.Я. Вышинский исботлаш мажбурияти ўзгариши мумкинлигига ишонган ва унинг фикрича: “а) айбловни тасдиқловчи ҳолатларни исботлаш айбловчининг



зиммасидадир; б) айбловни инкор этувчи ҳолатларни исботлаш айбланувчининг зиммасидадир.

Ҳатто жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг назарий асосларини ишлаб чиққан М.С. Строгович, судланувчининг ўз ҳимоясида берган баъзи тушунтиришларини қандай асосда рад этиш мумкинлиги ҳақидаги саволни кўриб чиқиб, шундай таъкидлаган: “судланувчи ўз кўрсатмаларининг тўғрилигини, асослигини исботламаганлиги сабабли...” [5].

Шуни таъкидлаш керакки, бундай қараш англо-саксон ҳуқуқ тизимида хосдир. Мисол учун, инглиз ва америка қонунчилигида айблов давлат – даъвогар, айбланувчи – жавобгар томонидан қўйиладиган ўзига хос даъво сифатида талқин қилинади. Шунга кўра, фуқаролик процессуал ишининг айрим нормалари жиноят ишларига, жумладан, исботлаш мажбуриятини ўтказиш тўғрисидаги қоидага ҳам татбиқ этилади. Ушбу қоидалар, агар судянинг (ёки қонун чиқарувчининг фикрига кўра) айбловни бартараф этадиган факт фақат айбланувчига маълум бўлса ёки айбланувчига бу ҳақда далилларни тақдим этиш осонроқ эканлиги эътироф этилганда қўлланилади. Агар судланувчи бундай ҳолларда ўзига юклатилган исботлаш мажбуриятини бажармаса, суд бу факт мавжуд эмас ва шунинг учун судланувчи айбдор деган хулосага келади. Жумладан, АҚШнинг кўплаб штатларида баъзи оқловчи ҳолатларга нисбатан исботлаш мажбурияти айбланувчига юклатилади. Бу шуни англатадики, агар судланувчи судни ўзининг алибисига ишонтира олмаса ёки у зарурий ҳимоя ҳолатида ҳаракат қилганлиги ҳақида кўрсатма берган бўлса, суд айблов ҳукми чиқариши мумкин.

Аммо нафақат Англия ва АҚШда исботлаш мажбурияти қисман айбланувчи томонига ўтади, балки Франция Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра ҳам айбланувчи ўз ҳимояси пайтида ниманидир даъво қилса, у ҳолда унга бу ҳолатларни исботлаш мажбурияти белгиланади [6] [7].

Буни бир нечта амалиётчи ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари орқали ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Америкалик адвокат Уилямсинг таъкидлашча, Қўшма Штатларда умумий қабул қилинган қоидага кўра: “айбловга эътироз билдирмаган айбланувчи, аслида, айбсизлик презумпциясидан деярли фойдаланмайди”. Яна бир америкалик адвокат - Голдстеин қайд этишича эса “Назария шуни кўрсатадики, айбсиз одам айблов олдида ўзининг айбсизлиги ҳақида баланд овозда қичқириши керак.” Бундан ташқари, “Жим туриш билан айбни тан олиш” федерал юрисдикция томонидан ҳам, кўпчилик штатларнинг судлари томонидан ҳам тан олинган далиллар ҳуқуқининг расмий институтидир”, дейди америкалик судья Хенд [8].

Шундай қилиб, Америка қонунчилигида: “Чўкаётган одамни қутқариш унинг ўз ишидир”, - деган қоида амал қилади. Бундай ёндашув, албатта шахснинг жим туриш ҳуқуқини чеклашга олиб келади. Бу каби ҳолатларда, шубҳасиз, **айбсиз шахс ноҳақдан судланиши ҳеч гап эмас.**

Шу билан бирга, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида қайд этилган исботлаш мажбурияти масаласида рус олимларининг илмий қарашларида шу кунгача аниқлик мавжуд эмас.



Айрим процессуалистларнинг қатъий таъкидлашича, “тарафларнинг қонунда белгилаб қўйилган қарама-қаршилик хусусиятидан қатъи назар, на гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарга ва на жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, хусусий айбловчи, вакиллар, қонуний вакилларга исботлаш юкланмайди” [9].

Бошқа олимлар эса исботлаш мажбуриятининг тақсимланишини жавобгарлик ёки ҳимоя чоралари билан эмас, балки жиноят процессида тарафларнинг кўзлаган манфаатлари билан асослайдилар. Шу муносабат билан муаллифлар қуйидагиларни таъкидлайдилар: “Жиноят процессида исботлаш мажбурияти ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, иштирокчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарафлар томонидан келтирилган далилларни ижобий далиллар билан асослаш ва уларни тасдиқлаш, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланганлигини тасдиқлаш учун далилларни тақдим этиш билан шартлашилган бўлади” [10].

Бизнинг фикримизча эса, жиноят процессида исботлаш мажбурияти тарафларнинг объектив манфаатларидан келиб чиқиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган олимларнинг фикрларини нисбатан тўғри деб эътироф этиш мумкин, чунки исботловчи айбсизлик презумпцияси норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида яратилган сунъий ҳодисалар тоифасига киради.

Шунингдек, айбланувчининг айбсиз деб топилганлигини, тегишли органлар ва шахслар унинг айбини исботлаши шартлигини исботлаш қонунда мантиқий истиснолар бўлиши мумкин эмас [11].

Бироқ, **гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбсизлигини исботлаш**лик уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун келтирилган далиллар асосли бўлишига қарамай, бир қатор мамлакатларда бундай инсонпарварлик ғоялари ўз аксини топмаганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, ҳаттоки XIX аср охирида Англияда бугунги кунда ҳам амалда бўлган қонунлар қабул қилинган. Уларга кўра, айбланувчи ихтиёрий асосда судда ҳимоя учун гувоҳ сифатида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлади, прокурорга эса кўрсатув беришдан бош тортишни айбланувчига қарши далил сифатида талқин қилиш тақиқланади. Шу билан бирга, Буюк Британияда ушбу умумий қоидадан истисно ҳолатларни излаш ва топишга узоқ вақтдан буён давом этаётган тенденция мавжудлигининг аниқ далиллари мавжуд. Масалан, айбланувчининг ўзига қарши гувоҳлик беришидан бош тортишидан далил сифатида фойдаланишни тақиқлаш судьяларга татбиқ этилмайди ва бу эса одатда айбловни тасдиқловчи ҳолат сифатида қаралади. Бу эса айбланувчининг қонунда мустаҳкамланган **“жим туриш ҳуқуқи”** га зид бўлиб, натижада ушбу ҳолат айбланувчини исботлашда иштирок этишга мажбур қилади [12].

Бундан ташқари, айблов томон, яъни терговчи айбланувчининг айбини **фақат томонлар ўртасида низо юзага келган тақдирдагина исботлаши шарт**. Айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган ҳолларда эса айблов исботлаш мажбуриятидан озод қилинади, бу эса ўз навбатида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, ўз-ўзидан ҳукм чиқаришнинг процессуал шarti бўлиб хизмат қилади [13]. Бунинг оқибатида, ўз ихтиёри билан ўзига қарши кўрсатув берган шахсга нисбатан суд томонидан айблов ҳукми чиқарилиши эҳтимолини вужудга келтиради.



Шунингдек, Англия Жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганилганида, прокурор қилмишининг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларни ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни исботлаши талаб этилмайди, шунинг учун ушбу функциялар ҳимоя томонига, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ва қисман ҳимоячига ўтади.

Италия Жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам исботлаш мажбуриятига оид умумеътироф этилган қоидадан баъзи истисноларга рухсат беради. Жумладан, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ўз алибисини тасдиқласа, айбланувчига исботлаш мажбуриятини ўтказиш имкониятини назарда тутаяди. Айбланувчи қатъий муддат билан чекланади, унга кўра у суд муҳокамаси бошланишидан камида етти кун олдин алибисини тасдиқловчи далилларни тақдим этиши шарт [14].

Айбланувчи томонидан ўзининг айбсизлигини тасдиқловчи далилларни ушбу муддат ичида тақдим этмаслиги уни суд муҳокамаси давомида назоратини тузатиш имкониятидан маҳрум қилади. Шунингдек, бундай имконият агар айбланувчи суд эътиборига ҳавола қилинган алиби далиллари янгидан очилганлигини кўрсата олмаса ёки улар айбланувчига талаб қилинган муддат тугаганидан кейин ёхуд суд жараёнида маълум бўлган бўлса. Бу ерда Америка Қўшма Штатлари қонунчилигида мустаҳкамланган меъёрларга ўхшаш қоида мавжудлигини кўришимиз мумкин, яъни бунга кўра, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ўзлари тасдиқлашлари осонроқ бўлган ҳолатларни исботлашлари лозим.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув номақбул ҳисобланиб, аслида айблов томони ҳимоя томонидаги барча далилларни мустақил равишда рад этиши керак. Яъни қонунчиликка кўра, айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан ҳолда, айбланувчи суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан унинг айби аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида у айбсиз бўлганлиги сабабли уни бирорта ҳаракат қилишга мажбур қилмайди. Шунингдек, агарда тергов даврида гумон қилинувчи, айбланувчи асословчи ҳолатнинг ишончлилигини исботлай олмаса, бу мантиқан фақат ушбу ҳолатнинг ишончлилиги масаласи очиқ қолаётганлигини келтириб чиқаради. Бундан келиб чиқадики, агар гумон қилинувчи, айбланувчилар жиноят содир этиш вақтида ўзини бошқа жойда бўлганлигини ва буни исботлай олмаётганлигини даъво қилса, демак, бундан мантиқан у жиноят содир этилган вақтда ҳодиса жойида бўлган, деган хулосага олиб келмайди. Бошқача айтганда, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ушбу мажбуриятни лозим даражада бажармаслиги унга қарши далилга айланмайди.

Белгия давлатининг Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра эса, айбланувчининг кўрсатувлари қонунда алоҳида аҳамиятга эга бўлган суд полицияси мансабдор шахслари томонидан тузилган баённомалар асосида айбланмаслик учун айбланувчи қоидаларнинг бузилганлиги тўғрисидаги баённомада кўрсатиб ўтилган ушбу ҳолатларни рад этувчи далилларни тақдим этиши шарт [15]. Бу ерда, кўриб турганимиздек, айбланувчининг айбсизлик презумпцияси эмас, балки ўзига хос айбдорлик презумпцияси мавжуд, чунки у амалда фақат баённомаларда қайд этилган материаллар асосида айбдор деб топилади ва ўзини оқлашга мажбур бўлади. Шунингдек, ушбу ҳолатда жиноят процесси иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли бўлмаган



қараш мавжудлигини, чунки баҳолашда айбловни тасдиқловчи далиллар айбловни рад этувчи далиллардан устун туришини кўришимиз мумкин.

Исботлаш мажбуриятини гумон қилинувчи, айбланувчининг зиммасига юклашнинг айрим тарафдорлари, ўз қарашларини қоида шаклида ифодалайдилар, жумладан: айбловни тасдиқловчи ҳолатларни айбловчи исботлаши шарт, айбловни рад этувчи, яъни айбсизликни белгиловчи ҳолатларни эса, гумон қилинувчи, айбланувчи исботлаши шарт.

Бир қарашда бу қоида адолатлидек туюлиши мумкин – гўё шу тариқа айбловчи билан гумон қилинувчи ва айбланувчи тенг ҳолатга қўйилгандек. Аслида, у софизмни, яъни мантиқий ҳийла, ишларнинг ҳақиқий ҳолатини атайлаб бузишни ўз ичига олади. Чунки айбсизликни белгиловчи ҳолатлар чиқариб ташланмагунча, айбловнинг ҳолатларини исботлаш ҳақида фикр юритиш мантиққа зид ҳисобланади [16].

Демак, гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига юкланган “исботлаш мажбурияти” фақат гумон қилинувчи, айбланувчининг ўзи ёки ҳимоячи билан биргаликда уни қизиқтирган ҳамда суриштирувчи, терговчини “бефарқ қолдирган” фактларни исботлаш ҳуқуқини англатади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Бунда гумон қилинувчи, айбланувчининг ушбу муаммони ҳал қилишдаги муваффақиятсизлиги унга қарши далилни юзага келтирмайди [17].

Бизнингча, жиноят процессида исботлаш мажбуриятини тақсимлаш тўғрисидаги юқорида қайд этилган қоидаларга қўшилиш мумкин эмас, жумладан уни қуйидалар билан ифодалаш мумкин: тергов жараёнида ҳар бир шахс ўзи илгари сурган тезис ёки позицияни исботлаши керак; бундай тезиснинг тўғрилигига далил йўқлиги уни бекор қилади. Мазкур ҳолатда жиноят иши бўйича мажбуриятларни бажармаслик гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан жиддий жазо чораларини қўллашга олиб келади. Бунда гумон қилинувчи, айбланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини асосиз деб топиш, исботлашни бажармаганлик учун санкция сифатида тан олиниши фақат битта нарсани англатади - бу гумон қилинувчи, айбланувчи судланиши лозим ва унинг айби объектив фактик маълумотлар билан эмас, балки у жиноятда айбсизлигини исботлай олмагани учун аниқланган ҳисобланади [18].

Шундай қилиб, исботлаш мажбуриятининг гумон қилинувчи, айбланувчи томонга ўтказилиши айбсизлик презумпциясига мос келмайдиган қоида ҳисобланиб, бу барқарор равишда қарама-қарши принципга, яъни айбдорлик презумпциясига олиб келади. Гарчи исботлаш мажбуриятини гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига ўтказишни, мантиқий ва психологик жиҳатдан қуйидагилар билан асослаш мумкин бўлса-да, жумладан:

- гумон қилинувчи, айбланувчи оқланишдан манфаатдор бўлади;

- айбсиз шахс унинг ишда иштирок этмаслигини тасдиқловчи ҳолатларни билади ва уларни кўрсатиши мумкин;

агар гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг айбсизлигини тасдиқловчи ҳолатларни исботлай олмаса, демак улар мавжуд эмас ва шунинг учун у айбдор ҳисобланиши лозим.

Зеро, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 14-моддаси 2-бандига кўра, “Гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзининг айбсизлигини



исботлашга мажбур эмас, айбловни исботлаш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини ҳимоя қилиш учун илгари сурилган далилларни рад этиш айбловга юкланади”,-деб белгиланган [19].

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини чуқур таҳлил қилиш бизга айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ амалдаги қонунчилигимизга қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 2-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбловни исботлаш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини ҳимоя қилиш учун илгари сурилган далилларни рад этиш айбловчи томон зиммасидадир”.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, ёки маҳқумнинг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак”.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, айбсизлик презумпцияси бўйича шахснинг айби судда тегишли тартибда исботланмагунча уни жиноятчи, ҳуқуқбузар ёки инсофсиз шахс деб тан олиш мумкин эмас. Айбсизлик презумпцияси исботлаш жараёнига бевосита таъсир қилади. Унинг исботлаш жараёнида таъсири ишнинг ҳолатларини текширишда айбловчи ёндашувга йўл қўйилмаслигини билдиради. Айблов фаразга асосланиши мумкин эмас ва фақат суд муҳокамаси давомида судланувчининг айби исботланган ва айбловнинг исботига нисбатан ҳар қандай шубҳа, агар уни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, судланувчи фойдасига талқин қилинган тақдирдагина амалга оширилади. Агар айбланувчининг жиноят содир этишда иштирок этганлиги тўғрисида етарлича далиллар бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплашнинг иложи бўлмаса, у айбсиз деб топилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
2. <https://lex.uz/docs/6445145> Ўзбекистон Республикасининг Янги конституцияси. Т., 2023. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.01.2024);
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси – Т., 2023 <https://old.lex.uz/m/acts/111453> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.01.2024);
4. А.М.Ларин Айбсизлик презумпцияси.-М. Наука, 1982.- Б.82 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 07.12.2023);
5. Строгович М.С. О судебной этике // Проблемы судебной этики. - М.: Юрид. лит., 1974. - С.7. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.12.2023);



6. Квигли Дж. Презумпция невиновности и американское право // Советское государство и право. 1980. № 9; Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие / К.Б. Калиновский. Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000. - С. 29 (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.06.2023 йил);
7. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М., 1994. С.156-158; Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие / К. Б. Калиновский. Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000. - С. 13. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 йил);
8. Старченко, А. Философия права и принцип правосудия в США / А. Старченко. - М.: Юрид. лит., 1969. - С. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 йил);
9. Власов А. А., Лукьянова И. Н., Некрасов С. В. Особенности доказывания в судопроизводстве: научно-практическое пособие / Под ред. д.ю.н., проф. А. А. Власова. - М.: Издательство «Экзамен», 2004. - С. 313. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 йил);
10. Кудрявцева А. В., Великосельский Ю. И. Бремя доказывания как самостоятельная правовая категория в уголовном процессе России / А. В. Кудрявцева, Ю. И. Великосельский // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия право. Выпуск 5. - 2004. - №11 (40). - С. 156. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 йил);
11. Левченко О. В. Проблемы реализации презумпции невиновности в доказывании по уголовным делам: прошлое, настоящее, будущее. // Международная Ассоциация Содействия Правосудию <http://iuaj.net/book/export/html/432>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.06.2023 йил);
12. Левченко О.В. Современное доказательственное право зарубежных стран // Вестник Оренбургского государственного университета. Выпуск 3. - 2009. - С. 71. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.06.2023 йил);
13. Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. Изд. 2-е, доп. и испр. - Издательство «Зерцало - М», 2002. - С. 18-23. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.06.2023 йил);
14. Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Указ. соч. С. 18-23. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.06.2023 йил).
15. Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Указ. соч. С. 18-23. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 16.06.2023 йил).
16. Вышинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве / А. Я. Вышинский. М.: Гос. изд-во юрид. лит., 1950. - С.244-245. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.06.2023 йил).
17. Дрягин М.А. Указ.соч. С.140-141. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.06.2023 йил).
18. Ларин А.М. Презумпция невиновности. М.: Наука, 1982.-С. 51. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.06.2023 йил);
19. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации URL:http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/ (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.06.2023 йил).